



ЎзССЖ ИИВ хайъатида

Кеча ЎзССЖ ИИВ хайъатининг мажлиси бўлиб, унда ички ишлар идоралари фаолиятига оид бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Бухоро ва Фарғона вилоятларида уюшган жиноятчилик билан курашнинг аҳволи ва уни янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди. Бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд қилиб ўтилди. ИИВ раҳбарлиги оператив йиғилишларида уюшган жиноятчилик билан курашни ташкил этиш масалаларини кўриб, унинг олдини олиш чораларини белгиланган.

Шунга қарамайдан уюшган жиноятчилик фаолияти кучайганлигини кўрсатувчи оғир жиноятлар сони 1990 ва 1991 йиллар давомида тинмай ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 1990 йилда Бухоро вилоятида — 19,2%га, Фарғона вилоятида — 21,6% га кўпайди.

Хайъат Бухоро ва Фарғона вилоятлари ИИВ бошқарувида бу ишни ташкил этишдаги хато ва камчиликларни кўрсатди ҳамда уни бартараф этиш юзасидан қўшимча чоралар кўришни талаб қилди.

Хайъат мажлисида ички ишлар идораларидаги тергов ишининг аҳволига ҳам тўхталинди. Жумҳуриятда жиноятларни очиш ва текшириш борасида қатор амалий ва ташкилий ишлар қилинганлиги таъкидланди. Натижада тергов сифати, жиноятни очиш бирмунча яхшиланди, социалистик қонунчилиқни бузиш камайди.

Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ИИВ раҳбарлари диққати юз бераётган ижобий ўзгаришлар тергов аппарати ишининг ҳал қилувчи омилига айланмаётганлигига, уларнинг фаолияти юзасидан идоравий назорат сусайтириб юборилганлигига қаратилди.

Тошкент шаҳар, Тошкент, Фарғона вилоятлари, Ўрта Осиё транспорт ИИБларида криминалистика техникасида фойдаланиш самарасини ошириш масаласи ҳам кўрилди.

Хайъат криминалистика техникаси бу ички ишлар идораларида замонавий талабларга жавоб бермаслигини, мавжуд техникадан эса етарлича фойдаланилмаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, эксперт кадрларнинг касб маҳорати, оператив ходимлар ва терговчиларнинг техник тайёргарлиги сусаяётгани сезилмоқда. Эксперт вазифасидаги бўш ўринларни тўлдириш суёт бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 12 июнь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг
Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни кириштиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иш тартиби лойиҳаси тўғрисида.

2. «Суверен давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартноманинг лойиҳаси ҳақида.

3. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

4. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

5. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида.

6. «Ўзбекистон ССРда виждон эркинлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

7. «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

8. «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

9. «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

10. «Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида.

11. «Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

12. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

ХАЛҚ ДАН ЙИРОҚ БЎЛСА

римни баён қилиб бермоқчи-ман. Улар Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг шу йил 6 мартда қабул қилинган «Совет милицияси тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Қонуннинг 8-моддасида шундай жумлалар бор:

«Милиция ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари билан, шунингдек жамоат тартибини сақлашда милицияга кўмаклашиш учун тузилган жамоатчилик тузилмалари билан ҳамжиҳатликда бажаради.

Давлат идоралари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари жамоат тартибини сақлашда ва жиноятчиликка қарши курашда милицияга ёрдам беришлари шарт.

Жамоат тартибини сақлашда милицияга ҳар томонлама кўмаклашиш ССЖИ фуқаросининг бурчидир.

Юқоридаги кўрсатмалардан ва вазифалардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, милиция ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтож экан. Демак милицияга олдингидай ёвқараш билан муносабатда бўлиш, унинг топшириқлари ҳамда илтимосларини эриниб амалга ошириш ёки бўйин товлаш ҳозирги кун талабига тўғри келмайди. Жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлашда милиция аввало халққа суянади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, милиция

ходимлари халқ ичида кўпроқ бўлишлари даркор. Улар халқ билан қанчалик яқин ҳамкорлик қилишса, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги иш шунчалик яхши бўлади. Бўлимимизда халқ ишончини қозongan милиция ходимлари кўплаб топилди. Участка вакили ёрдамчиси Тўлқинжон Турдиев, милиция ходимлари Қўлдошали Абдуллаев, Ғафуржон Ортиқов ана шулар жумласидандир.

Муаммолар ҳақида тўхталиб ўтсам. Шаҳрихон автостанцияси шаҳримизнинг энг гавжум жойларидан ҳисобланади. Бу ерда милиция ходимларини кўплаб учратиш мумкин. Мақсадимиз — кассавурлар, жамоат тартибини бузувчилар бўлишига йўл қўймаслик, шу билан йўловчиларнинг ўз манзилларига беҳавотир етиб олишларини таъминлаш. Бу соҳада бизга виждонан кўмаклашаётганлар ҳам, аксинча тоифадагилар ҳам бор. Милиция ходими жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликларнинг олдини олишга масъул. Бу борада у қаттиқ қўл бўлиши шарт. Демокчи-манки, хизмат ўз йўлига, дўстлик ўз йўлига бўлиши керак. Милиция ходими хизмат пайтида бирор фуқарога қаттиқроқ гапирган бўлса, шунини деб унга муносабатини ўзгартариш ярамайди. Балки у шу қаттиқ гапириши билан оғирроқ воқеанинг олдини олгандир. Милиционерини ҳам тушуниш керак. Корхона ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар бизга — милиция ходимларига хайрихоҳ бўлишлари лозим. «Қўлдан қўйиб қочиб қутилмас», деганларидек, кўплашиб ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадга эришамиз.

Анваржон ЗОКИРОВ,
Москва тумани ИИВ
бошлигининг ўринбосари.

ОЛИШУВДА ҲАЛОҚ БЎЛДИ



30 май куни эрталаб Тошкент шаҳрида ЎзССЖ ИИВ ходими милиция старшинаси Рустам Тўйчиев хизмат вазифасини бажараятиб, қуролланган жиноятчи билан олишувда фожияли ҳалок бўлди.

У чорак аср ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ёш ходимларга ҳар томонлама ибрат кўрсатди, сафдошлари ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонди.

Бугун ажойиб инсон, икки фарзанднинг отаси орамизда йўқ. ИИВ раҳбарлиги ва бугун шахсий таркиби милиция старшинаси Рустам Тўйчиев ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур қайғурмоқда ҳамда марҳумнинг oila аъзолари, қариндош-уруғларига самимий ҳамдардлик билдиради.

Шу йил 9 май куни байрам кайфиятида автомашинаси рулини тутган Б. Аҳмедов ДАНБ ходимларига дучор бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Бироқ сергаклигини бир зум унутмаган Бухоро вилояти ИИВ ДАНБнинг 2-алоҳида ротаси ходимлари милиция старшиналари Ш. Қўлчиев, Ш. Эгамовлар автомашинани тўх-

БЕЛБОҒДАГИ СИР

татиб, синчиқлаб текшира бошладилар. Ш. Қўлчиев ҳайдовчини машинадан ташқарига чиқишини сўради. Унинг безовталаниб, атрофга олазарак боқиб йўл назоратчиларининг диққатини тортган эди. Текшириш пайтида автома-

шина эгасининг чопони устидан боғланган белбоғи ичидан 4 килограмму 600 грамм кўкор топилади.

2-алоҳида ротанинг йўл назорати ходимлари май ойининг ўзиде транспорт воситаларида турли усуллар билан яшириб

олиб кетилаётган 100 килограммдан ортиқ гивҳандлик моддаларни мусодара қилдилар. Бу ишда, айниқса, милиция кичик сержантлари К. Қодиров, А. Жумаев, милиция катта сержантлари О. Пардаев, У. Худойбердиев ва У. Расуловларнинг ҳушёрликлари кўл келмоқда. А. НОҚУЛОВ, милиция катта лейтенанти.

БУГУН—ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ДОИМ ШУНДАЙ БЎЛСА

Бугун ИИБ биносидаги ҳар қачонгидай жиддий, вазмин, салобатли муҳитни болаларнинг енгил қадамлари, жарангли овозлари, шодон қийқирилари тутди. Бежирим кийинган болалар, сочларига боғич таққан қизалоқлар ҳамманинг диққат марказида бўлади.

Бугун — болаларни ҳимоя қилиш куни. ИИБ фирқа, касса-балар уюшмаси, комсомол қўмиталари ушбу кунга жиддий тайёргарлик кўрдилар.

Кашшофлар уйининг бадий ҳаваскорлар дасталари, гуруҳлари тенгдошлари ва кичкинтой ука-сингилларига куй, қўшиқ ва рақслар улашади. Концертдан сўнг эса болалар сеvimли мультфильмларини мириқиб томоша қиладилар.

Болаларни ИИБ қошидаги милиция тарихи ва жанговар шон-шўхрати ҳақида ҳикоя қилувчи осори атиқалар билан таништириш, китоб савдосини ташкил этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари ИИБ ходимларининг бегараз кўмағида йиғилган бадий китоблар оталиққа олинган 24-болалар уйига тақдим этилди.

Алқисса, бугун ҳамма жойларда бўлганидек, бу ерда ҳам асосий мақсад болаларга шодлик, қувонч, қулғу улашиш.

— Бу тадбирни ўтказишда бизга моддий жиҳатдан ёрдам берган жумҳурият ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмасини алоҳида қайд этиш керак. Яна шунини айтмоқчиманки, ҳали бирор маросимимиз уларнинг ёрдамисиз ўтмаган, — дейди ИИБ комсомол қўмитаси котиби Фарҳод Каримов.

Жумҳурият ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмаси раҳбариятига, ходимларига кўрсатаётган ёрдамлари учун ИИБ фирқа ва кассабалар уюшмаси қўмиталари ҳам ўз миннатдорчиликларини билдиради. Қанийди болаларимизга кўрсатилаётган бу муруват фақат бир кунгина эмас, ҳар доим бўлса. Худди шу бугунгидай оталар болалари билан боғлар айланса, бирга мультфильмлар томоша қилишса, тиззасига ўтиришиб, музқаймоқ едирса, учиб кетаётган шарининг орқасидан қийқириб қувлашса...

Мухаббат ИБРОҲИМОВА,
«Постда» мухбири.

УКСИК КЎНГИЛЛАРНИ ШОД АЙЛАБ

Пойтахтдаги Виктор Челноков номли 24-болалар уйини жумҳурият ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси жамоаси оталиққа олган. Кичкинтойлар даврасида (бу ерда мактабгача ёшдаги болалар тарбияланишади) бошқарма ходимлари тез-тез бўлишиб, уларнинг ўксик кўнгиллари шод айлайдилар. Ширин сўзларини, қалб меҳрларини умидвор нигоҳли келажак авлоддан дариг тутмайдилар, уларга озми-кўпми совға-салом тақдим этадилар. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида улар бу ерга яна ташриф буюрдилар.

СУРАТЛАРДА: жумҳурият ИИБ комсомол қўмитаси котиби милиция катта лейтенанти Фарҳод Каримов ва ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими ички хизмат катта лейтенанти Баҳодир Шукров болалар ҳузурида; ИИБ ходимлари тақдим этган китоблар; тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари (чапдан) Тая Лукина ва Рита Отабоевалар жонли бурчакдаги балиқларни парвариш қилишмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган суратлар.

ЁШ ДИНАМОЧИЛАР БАЙРАМИ

Тошкентнинг «Динамо» стадионида ёш динамочилар байрами бўлиб ўтди. Байрам мусиқа садолари остида динамочилар марши билан бошланди. ИИБ фирқа қўмитасининг котиби Б. Муқимов байрам иштирокчиларини табриқлар экан, «Динамо» спорт жамоасидан 50 йил ичида Л. Пахомова, А. Горшков, Р. Рихсиев, В. Коллюшов, Р. Загретдиновлар етишиб чиққанлигини таъкидлаб ўтди. Ёш спортчилар тантанали марш садолари остида байроқни кўтаришди.

Майдонга дзюдочилар, самбочилар чиқишиб, ўз маҳоратларини намоиш этдилар. Кинологлар орасида фахрли 1-ўринни эгаллаган Эркин Тиллаев зўр олқишга сазовор бўлди. Ундан сўнг футбол, пневматик милтиқдан отиш каби мусобақалар ҳам қизиқарли ўтди.

Бу спорт байрамининг ташкил этишда Тошкент шаҳар ИИБ ва унинг комсомол қўмитаси катта моддий ёрдам берди.

З. СОДИҚХУЖАЕВ.



МИЛИЦИЯ САФЛАРИ КЕНГАЙДИ

Қорақалпоғистон қорхоналари ва ташкилотлари ажратган маблағ ҳисобига унинг ҳудудида қўшимча равишда 102 участка инспектори, 80 нафар милиционер ва соқчилик-пост хизматининг 33 инспектори жорий этилди. Ички ишлар вазирлигининг ҳисоботларига қараганда, бундай иш тутиш оператив-хизмат фаолиятининг баъзи йўналишларида айрим ижобий натижаларга эришилди ёрдам берди.

Шунга қарамай шу ҳисо-

ботлардан маълум бўлишча, милициянинг хотиржам бўлиши учун асос йўқ. Участка инспекторлари анча кўпайганлигига қарамай улар фаолиятининг самараси ҳануз пастлигига қоляпти — жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ишлари, аҳоли билан яқна тартибда олиб борилаётган ишлар қутулган натижаларни бермапти.

(ЎЗТАГ мухбири).

ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ БЕРИЛДИ

ССЖИ адлия вазирлигида бир қанча жамоат ташкилотлари рўйхатга олинди. Жумладан, уруш фахрийлари шўро қўмитаси, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа шўро жамиятлари уюшмаси, шўро маданият жамғармаси, театр режиссёрлари уюшмаси, ССЖИ

ижодкорлар академияси, ССЖИ спортчилар уюшмаси, Бутуниттифоқ иқтисодиёт жамияти, милицияга кўмаклашиш шўро хайрия жамғармаси ҳуқуқий шахс ва Бутуниттифоқ ташкилоти мақомига эга бўлди.

(ЎЗТАГ мухбири).

ХАВФЛИ ЙЎЛОВЧИ...

Бемаҳалда қолган йўловчилар узоғини яқин қилиш учун такси ҳайдовчилари ширин уйқу ва ҳордиқдан воз кечадилар. Кўз тўрт бўлиб, транспортга мушток бўлиб турилганда, эшик тагига келтириб қўйган ҳолатбарорни ким алқамайди, дейсиз. Лекин бошқача «сийлайдиган»лар ҳам учраб турибди. Тўнги соат иккиларда Тошкент қўналғаси майдонида 5-таксопарк ҳайдовчиси 30 ёшли Н. Азимов бошқарган «ГАЗ-24» белгили 94-34 ТНА рақамли машина эшигини очган икки йигит Қўйлик даҳасига етиб олмоқчи эканликларини айтишди.

— Йигитнинг сазаси ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин. Утиринлар! Уридан дадил қўзғалган

Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ йўл-патрул хизмати инспектори С. Содиков «Уч қаҳрамон» постида хизматни ўтаётиб, иккита юк машинасини тўхтатди.

«МАЗ-500» белгили 55-12 ОБЛ рақамли автомашина ҳайдовчиси С. Никитин 150 дона унитарни Ангрен шаҳридан Оренбургга олиб кета-

машина Куйбишев шоҳкўчасидаги бозорча яқинига етиб келганида, йўловчиларнинг нияти бузилди. Улар пичоқ ўқталиб, ҳайдовчини зўраки «йўловчи»га айлантиришди. Рулни қўлга киритганлар эса эркин бўлди-қолишди. Қўйлик томон йўл солган машина 180 градусга қайрилиб, «Самарқанд» автобекатида қараб жўнади. Воқеадан хабар топган милиция ходимлари автобекатда нонқўр йўловчиларни қўлга олишди. Улар Тошкент политехника олий билимгоҳининг Ангрендаги бўлими талабалари 18 ёшли Дамир Боқиев ва Талгат Амирсандов экан.

...ВА ҲАЙДОВЧИ

Шошганда лаббай топилмас, деб шунга айтсалар керакда. Тошкентнинг Чилонзор даҳасида яшовчи 31 ёшли Г. Тўхтаева қатнов ўта

жадал катта йўл ёқасида транспортга зор бўлди. Йўловчилар билан тўла таксилар ишорасига эътибор қилмасди. Ниҳоят ўтиб бораётган шахсий енгил автомашиналардан бирини қўл кўтариб тўхтатди. Ўз ихтиёри билан аждаҳо қомига тушаётганини олдинроқ сезганида эди, балким кўтарилган қўлларини уриб синдирардимини!

Халқлар Дўстлиги кўчаси бўйлаб олиб бораётган «Москвич-412» белгили автомашина рулини тутган Р. Раҳматуллаев ва унинг шериклари — «Солнечный» ширкати ходими А. Мўминов, 57-ўрта ҳунар-техника билим йўли ўқувчиси А. Маҳкамовлар пичоқ чиқаришди. Келбатидан от ҳурқадиган уч эркак муштипар аёлнинг 350 сўм пулини тортиб олиб, ўзини машинадан тушириб юборишди.

Г. ЖҲҲҲҲ.

РУХСАТНОМА ЙЎҚ ЭКАН

ётган экан. Инспектор иккинчи машинани кўздан кечирди. Олмаликдан Бишкек шаҳрига қараб йўлга чиққан «МАЗ-5335» белгили 73-90 ТШН рақамли бу машинада 103 минг 650 сўмлик автомобил-

ларнинг эҳтиёт қисмлари бор экан. Ҳайдовчи М. Ширинов ўз қилмишини хас-пўшлашга кўп ҳаракат қилди-ю, бироқ рухсатномани кўрсатолмади.

Ахбор АҚБАРОВ,
милиция катта лейтенанти.

ЧЕК ҚЎЙИЛДИ



Эшикни бузиб ичкарига кирган Тимофей билан Рашиднинг ҳафсаласи пир бўлди. Чунки ўзларида бу ердан жуда катта ўлжа билан қайтишлари керак эди. Аммо ўйлаган нарсалари хонадонда йўқ эди. Шундай бўлса-да, икки «улфат» шкафлар ва қутиларни титкилай-титкилай патта-путталарни сумкага жойлай бошладилар. Қуруқ чиқиб кетиш ноқулай эди-да. Кўнгиллари бироз хотиржам бўлгач, аста-секин сирғалиб чиқибди-да, кўбалари сари равона бўлишди.

Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция майори Шокир Маматов етакчилигидаги опергурӯҳ дарҳол ўғриланинг изига тушди. Суриштирув-қидирув ишлари бекор кетмади. Бирор соатдан кейин Тимофей А. ва Рашид Г. қўлга олинди. Тинтув пайтида Рашиднинг уйдан иккита пичоқ, бир нечта турли хил патронлар ҳамда наша топилди. Шу билан иккала «оғайни»нинг кейинги ишларига чек қўйилди.

А. МУМИНОВ.

СУРАТДА: Жиззах шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи ўринбосари милиция катта лейтенанти Нарбулан Намиров Рашиднинг уйдан топилган далилий ашёларни кўздан кечирмоқда. Олег ГАМЗЕНКО олган сурат.

ЛАҚМАЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАНДА

Баҳодир ўзига ажратилган томорқада иморат қуришни бошлаб юборди. Лекин ярми битган пайтда пул ҳам, амал-тақал қилиб йиққан қурилиш материаллари ҳам тугаб қолди. Йўқчилик қурсин, одамни эзиб юбораркан. Бу ҳам етмагандек, яқинда унинг акасини «олиб кетишган». Ҳозир тергов давом этмоқда. У мана шуларни ўйлаб ҳовлисида бир ўзи ўтирганди, кўча томондан овоз эшитилди.

— Баҳодир, ҳў, Баҳодир! — Ҳозир!

Баҳодир ташқарига чиққанда, нотаниш йигит турарди. Салом-аликдан сўнг у ўзини тергов қамоқхонасидан озод бўлиб келаётганини айтди. Орага сукунат чўкди.

— Мен бу ерга акангнинг илтимоси бўйича келдим. Нимага ўйланиб қолдинг, уйингга таклиф қилмайсанми, — деди у сурбетларча.

Хижолатда қолган Бахтиёр дарҳол уни ичкарига бошлади. Дастурхон ёзиб, чой дамлади. Меҳмон гапни узоқдан олди, аниқроғи мезбонни синовдан ўтказди. Гўллагини дарҳол фаҳмлади. Энди мақсадга ўтса ҳам бўлаверади.

— Гап бундоқ, ука — деди у салмоқлаб. — Мен озми-кўпми аканг билан бир камерада ўтирдим. Лекин у «маладес» экан. Мени-ку та-

нишларим пул бериб қутқариб олишди. Бироқ акангнинг кўнглидан ўта олмадим. Сўнгги кундаги суҳбатимизда ёрдам беришимни илтимос қилди. «Йўқ», — дея олмадим. У кутяпти. Танишларимни ҳам бир амаллаб кўндирдим. Адресингни ҳам аканг берди. Ҳа, уч минг сўм олиб чиқ. Кейин братингни ўзи сен билан ҳисоб-китоб қилади.

— Ахир, у билади-ку, шунча пул...

— Ўзинг биласан, ука, ака меники эмас, сенники. Вақтим зиқ. Ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Наҳотки мол-полингни сотиб ҳам унга ёрдам беролмайсан? Билиб қўй, акангни сендақаларнинг ўнтасини сотиб олишга кучи етади.

Баҳодир бу гапдан сўнг хижолатга тушди.

— Ҳамма пулни иморат қуришга ишлатиб қўювдим. — Ошна-оғайнинг борми ўзи?

— Бо-ор, лекин улар ҳам...

— Ҳеч бўлмаса уларнинг бирор қимматбаҳо зормандаси бордир?

— Бўлганда нима эди. — Уни олиб сотасан. Айтдим-ку акангни ўзи ҳисоб-китоб қиларкан, деб.

Шунча гаплардан сўнг Баҳодир таъсирланиб кетди, хуллас бир фикр унинг миёсига келиб қолди. Ва

шошиб бир дўстининг видеомагнитофони борлигини айтди.

— Тезда бориб унга тушунтир. Ишқилиб оғайниларинг олдида обрўинг жойидами?

Шундан кейин Баҳодир ўрнидан турди-да меҳмонга кутиб ўтиришини айтиб, зипиллаб кўчага чиқиб кетди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас ўша дўстининг чет элда ишлаб чиқарилган видеомагнитофони кўтариб кирди. Буни кўрган меҳмоннинг кўзлари қақнаб, хурсандчилигини зўрма-зўр яширишга уринди.

— Яхши, тезроқ бўлақол энди, кетамиз.

— Қаёққа?

— Э, ортиқча гапларга тоқатим йўқ. Ҳозир мен бориб, видикни қанчага сотганини ўзинг кўрасан. Агарда танишимни учрата олсам, акангни ҳам кўриб қайтасан, дурустми?

Шундай қилиб фирибгар лақма укани машинасига ўтказди-да, рулни шаҳар томон бурди.

Улар видеобарлардан бирига кириб, бировнинг омонатини уч минг сўмга пуллаганларида шом пайти эди. «Ҳожатбарор» пулларни чўнтакка солар экан, Баҳодирга юзланди.

— Ука, энди вақт кеч бўлиб қолди. Сен манови икки

сўмни олгин-да, уйингга етиб ол. Пайшанба кунни соат ўнда ҳув анови кўриниб турган кинотеатр биноси олдида учрашамиз. Яна кечикиб юрма, ҳўпми?

Сўнг хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, машинасига ўтирди-ю, бир зумда кўздан гойиб бўлди. Баҳодир эса оғзини ланг очганча машина ортидан қараб қолаверди. Лақма тушганини эса келишилган жойга бир ҳафта давомида қатнайвериб, тинкаси роса қуригандан кейингина тушунди.

Ажабо, одам ҳам шунчалик содда бўладими? Уйига келган нотаниш кишини ким эканлигини суриштирмай, уч минг сўм пул билан сийлаб юборганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Очигини айтганда фирибгар инсофли экан, — дейди Баҳодирнинг танишлари. — Агарда унинг ўрнида бошқаси бўлганда борми, бу лақма дўстимизга битмаган иморатини ҳам соттирган бўларди.

Бир неча кун овора бўлган оператив вакиллар фирибгарни қўлга туширишгач, Бахтиёрни койишди.

— Лақмалик ҳам эви билан-да Бахтиёр!

Эминжон ОБИДОВ,
Риштон тумани ИИБ ҳодими милиция катта лейтенанти.



Хоразм вилояти ИИБ ҳодими милиция майори Иброҳим Ёқубовнинг иш хонасида баъзан тунлари ҳам алла-маҳалгача чироқ ўчмайди. Чунки унинг касби шуни тақоза этади. Катта эксперт-криминалистнинг ташвишлари ҳар доим кўп.

— 18 йилдан буён касбини эъзозлаб келаётган Иброҳим тиришқоқлиги ва ишига пишиқлиги билан ажралиб туради, — дейди унинг бошлиғи милиция подполковниги И. Матёкубов.

Суратда: И. Ёқубов.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

ТАКЛИФИМ БОР

ХОДИМЛАРГА

БОҒЛИҚ

Мен рўзнома орқали милиция шаънига билдирилган баъзи танқидий мақолаларни ўқир эканман, уларга қўшиламан. Ҳозирги танг шароитда обрў орттириш у ёқда турсин, ишларнинг ўзи ҳам оғир. Лекин шунга қарамай ёшимиз, мансабимиз, ишонимиздан қатъий назар ҳар бир одамга ёрдам қўлини чўзишга бурчлимиз. Ички ишларда кўп масалаларнинг қандай ҳал қилиниши ходимларга, яъни кадрларга боғлиқ. Ҳаммага маълум, Тошкент шаҳрида яшовчилар ИИБга деярли хизматга киришмайди. Кўпроқ вилоятлардан келишади. Сабаби уларнинг ўзга машғулоти, танлайдиган касби йўқ. Улар деярли ерли халқ вакиллари бўлиб, рус тилини яхши билмайдилар. Бу эса тиббий кўрикдан ўтишда маълум қийинчиликларни туғдиради. Бу ёшлардан милицияга ишга кириши сабабларини сўрасангиз, кўпчилиги вилоятларда иш йўқлигини айтишади.

Совет Армияси сафларига бурчини ўтаган бўлишсада, тиббий кўрикдан ҳар 10 нафарнинг 6 нафаригина ўта олади.

Ишга қабул қилинган, синов муддатини ўташи лозим. Аммо айримлари шу муддат ичидаёқ ўзларининг «кимлигини» кўрсатиб қўйишади. Натичада 4-5 ой ҳам ишлай олишмайди.

Ишга қабул қилинганларнинг яшаш шароити, узоқ-яқинлиги ва бошқа маънавий томонлари билан аксарият қизиқмаймиз. Ваҳоланки, у жисмоний шуғулланиши, ўтказилаётган турли тадбирларда қатнашиши лозим. Ходимнинг ўзи узоқда яшаса, кунни бўйи, баъзан тунни билан ишлашга тўғри келса, у қачон, қандай ўзини тиклаб олади! Бу каби ноқулайликлар ишда барнбир ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир ишга олинаётган ходимнинг яшаш шароити ва узоқ-яқинда туриши ҳам ҳисобга олиниши керак.

И. ТОЛБООЕВ,
милиция капитани.

КЎЗ ЁШЛАР КИМНИ ТУТАДИ?

Айтайлик, уч-тўрт киши бир пилла чой устида гурўнглашиб қолса, гап жиноятчиликнинг шиддат билан ўсаятганига бориб тақалади.

Тўғри, тан олмаслик мумкин эмас, Тошкентдайдилар асимда ҳар кунни битта «янгилик»ни эшитаемиз. Кимнингдир уйини тунаб кетишган, кимнидир дўппослаб ўлдиришган ёки чавақлашган, кимнингдир ному-сига тегишган, кимнингдир... Хуллас, кимнингдир хову-мони куйган бўлади.

Авваллари бундай «янгилик»лар туфайли вужудимизни ғазаб ва қўрқув чулғаб олاردилар. Энди-чи? Кўпчиликнинг қулоқлари кўникиб кетган, ҳис-туйғулар ўтмаслашиб, юракда фақат қўрқув, ваҳима қолган, холос. Ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир кишилар эса менга тегмаса бўлди, деган фикрни шиор қилиб олишган. Гўёки, ўғри, муттаҳам, тартиббузарларга қарши курашиш — милициянинг вазифаси.

Йўқ, шундай деб ўйладиганлар озгина эмас, каттагина хато қилишади.

Сирғали туманида замонавий уйсозликнинг ишонган корхонаси бор. У ердан кўп қаватли уйлар учун тайёр маҳсулот — блоклар

ишлаб чиқарилади.

Ана шу корхонада ораларидан қил ўтмайдиган уч улфат — Рамил Шарипов, Владимир Зазолин, Иван Сурминлар меҳнат қилишарди.

13 май кунни уларнинг кўнгли базми жамшид тугаб қолди. Иккинчи смена тугаётган пайтида меҳнат интизоми бузилса ҳам, ечиниб-кийинадиган хонада битта эмас, иккита эмас, учта ароқни майдалаб ичишди. Ўзлар қизариб, тиллар чулдираб, оёқлар чалишди. Шу алфозда кўчага чиқибди.

Баҳорнинг сўнгги ойи. Ҳаво очик. Унинг устига осуда тун. Кайфият жойида. Пилла йўлга тушишди. Лекин нимадир бўлди-ю, сархуш йигитларнинг орасидан ола мушук ўтди. Тўғрироғи, Рамил Шарипов бир тараф, қолган иккови бир тараф бўлиб олишди. Ҳозиргина эҳтиёж бўлмасада, бир-бирига дўстлик изҳор қилаётганлар оғзидан боди кириб, шоди чиқаверди. Кейин мушуклашув бошланди. Тасир-тусир солишиб, тахминан уч километрча йўл босишди. Кейин қотиллик содир бўлди. Кўзлариди ваҳшийлик ўти ёнган Владимир уч-тўрт марта пичоқни Рамилнинг кўк-

сига ботириб олди, бу ҳам етмагандек, сочидан тепага кўтардида, томоғидан сўйди. Сўнгра Иван икковлон жонсиз жасадини кўча четиди ариқча ташлаб юборишди.

Шундан кейингина қилмишларидан ҳушёр тортишди. Ваҳимага тушишди. Ахир, товуқни эмас, тирик одамни сўйиб қўйишди. Қонли пичоқни истироҳат боғидаги кўлга улоқтиришдида, кейин уй-уйларига тарқалишди.

Жиноятчилардан ҳеч қанақа из қолмагани, — дейди Сирғали тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Раим Каримов. — Ариқ ичида номаълум кишининг жасади ётганлигини эртаси кунни билдик. Шундай бўлсада, ЖКБ бошлиғининг ўринбосари Кафлан Рамаонов, катта оператив вакиллар Солиқ Солиев, Пулат Телеповлар бор тажриба-маҳоратларини ишга солишди. Жиноят атиги икки соатда очилди. Ҳа, жиноят фош этилди. Лекин бундан тўла маънода қувониш мумкинми? Йўқ. Негаки, ким бўлмасин, битта одам бекордан-бекорга нобуд бўлди.

Хўш, мавзуга қайтсак, у нобуд бўлмаслиги мумкинми? Албатта. Агар мар-

Шанба учрашувлари

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

Турсуной опа шифо излаб чиққан қўшнисининг боши ҳамда юраги атрофида сирли бармоқларини айлантира бошлади. Абдулаҳаднинг мияси ва баданида дастлаб чуқури ўрмалаётгандек, ниналар санчилаётгандек бўлди. Ундан кейин ҳамма ёғи қизий бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг бутун аъзои баданидан оғриқ бераётган ниналар суғуриб олинаётгандек туюлди.

— Қалай сезилсиз ўзингизни, — деди мўжизавий қўлларини ундан узоқлаштирар экан Турсуной опа.

— Қушдек енгил бўлдим, ё парвардигор! Ахир, бу тушимми-ўнгимми? Қўлингиз дард кўрмасин, барака топсин, — деб мададкорига юзланди Абдулаҳад Азимов.

Абдулаҳад дард кўрмагандек бўлди-қўйди. Кўча-кўйда учраган кишиларга Тамара опанинг (кўпчилик Турсуной опани шундай қақиради) дарддан фориг қилувчи гаройиб қўллари ҳақида мактаб гапирадиган бўлди. Бирин-кетин Турсуной опани узоқ-яқиндан суриштириб, у катта тиббий ҳамшира бўлиб ишлайдиган пойтахтдаги 33-шифохонага ва у яшайдиган манзилгоҳга — Собир Раҳимов туманидаги Чайка кўчасидаги уйга каттаю кичик, аёлу эркак кела бошлади. Биоқувват соҳибаси Турсуной опанинг беғубор қалбидан, ширин сўзларидан, майин ва оҳанграбо бармоқлари сеҳридан мамнун беморларнинг дил сўзлари ёзилган ўнлаб хатларини ўқидим.

— Мен беҳосдан йиқилиб тушдим, — деб ёзади Собир Раҳимов туманилик Зулфия Юсупова, — тиззам шикастланди. Шундан сўнг оёғим шишиб, тиззамнинг кўзи йиринглаб кетди. 20 кун тери касалликлари врачига қатнадим. Фойдасини билмай юрганимда, Тамара опадан учта сеанс олиб, оёғим яхши бўлди. Қўлларидаги биотоклари менга фойда берди. Мен у кишидан миннатдорман ва раҳмат, дейман.

— Бош, тиш, қулоқ, юрак, уйқусизлик, бод касалликларини даволайман, — дейди экстра-сенс Турсуной опа, — ошқозон яллиғланиши, ичак касалликлари, ҳаво қисиши (бронхит, астма), қон босимининг кўтарилиши ва туши-шини нормал ҳолатга келтираман. Бу ҳислатни



мен 35 ёшимда сездим

1990 йили ССЖИ экстрасенслар уюшмаси раиси Тоҳир Солиев биотокларини текширадиган асбобда Турсуной опадан қувватни текшириб, унда беҳисоб ток манбаси борлигини айтди ва қўшиб қўйди: «Ўқисангиз, кўп одамларга фойдангиз тегади».

У Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номли илмий-методик марказда таҳсил олиб «экстрасенс-биотерапевт» деган гувоҳномани олди.

Шу кунларда Турсуной опа Абдуқодирова ишдан бўш вақтларида пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 33-шифохонада беморларни ҳар кун соат 15 дан 18 гача қабул қилиб, уларнинг дардига малҳам бўлмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ,

«Постда»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: биоқувват соҳибаси Т. Абдуқодирова.

ТАЖРИБА

Бошқарма бошлиғининг мажлисдаги танқиди Жўра Жўраевични ўйлашга мажбур этди. Уйлаганда ҳам чуқур ва теран. Туни билан ўйлаб, миясига зўр фикр келди. Эртаси ишга келгани ҳамоно котибасига буюрди.

— Ҳамма ходимларни ҳузуримга қақиринг! Бирин-кетин стуллар тўлиб, барча қўлида дафтар ва қалам билан бошлиқнинг оғзига боқди.

— Хўрматли Бўрибой Бойқўзиевич кечаги мажлисда фаолиятимизга танқидий баҳо бериш, камчиликларни очиб ташлаш билан бирга ҳар бир раҳбардан иложи борича ишга янгича ёндашишни талаб қилди. Ёшларга кўпроқ эркинлик бериш, шароит яратиш, уларнинг, яъни сизларнинг, ташаббускорликларингизни бўғмасликни уқтирди. Баҳоси йўқ йўриқларини кечиктирмай қўлаш лозимлигини айтди. Мен шу борада бир тажриба ўтказмоқчиман.

Ходимлар «қандай?» дегандай унга тикилишди.

— Ораларингизда бўлими-мизга бошчилик қилмоқчи бўлганлар борми? — Бир оз сукут сақлагач, давом этди. — Албатта, айтиб ўтишим керак, тажриба муддати 40 кун.

Шу пайтгача бошлиқнинг оғзига қаралган кўзлар дарров ерга қадалди.

— Ҳа, ҳали ҳам биз демократия ва ошкораликка ўрганмабмиз. Ҳамон юқоридан сайлаш ҳукм сурмоқда. Қайта қуриш талабларига бу ҳол умуман зиддир. Бунда раҳбар сифатида менинг ҳам катта айбим бор. Тан оламан. Майли, охири марта бўла қолсин. Айтиб қўяй охири марта. Бугундан бошлаб Хушвақт Мардонов бошлиқ. Ролпа-роса 40 кеча-ю кундуз ўтгач, менга ҳисобот беради. Мен бугундан меҳнат таътилига чиқапман. Бир ёқдан соғлигимнинг анча мазаси кетиб қолган. Саволлар борми?

Ҳамма тушунарли деганча бош эгишди. Шу кун Хушвақт алламаҳалгача қоғозлар титкилаб ўтирди. Стол тортмасидан текширилмаган бир даста шикоят хатларини топиб олди. Эртаси кун эса аризаларнинг бажарилиши бўйича ҳисобини сўраган телефон қўнғироқлари тинмади. Шу кунгича ҳар бир жавоби талаб қилинган шикоят ва аризаларни

ходимларига тутқазар экан, муддатлари аллақачон ўтиб кетганлиги туфайли узоғи билан 2 кунгача, деб таъкидлади. Икки кундан сўнг текширувчилар олдинма-кетин кириб, ҳисобот бера бошладилар.

— Хушвақт Мардонович, фуқаро Эшматовни ҳақорат қилган кимса Жўра Жўраевичнинг тоғаси экан...

— Э, шундайми... майли бу ёққа берингчи.

— Парпиев тилга олган чайқовчи Жўра Жўраевичга қарашли... ҳм... холасининг қизи экан...

— Наҳотки, қани берингчи...

— Хат муаллифи Пўлатовни дўппослаган йигит Жўра...

— Беринг аризани... Қаранг-а...

— Ишчи Ҳамдамовни тишлаган итнинг эгаси Жў...

— Йўғ-е, узатворингчи хатни.

— Ҳасановнинг полизларини пайҳон қилган сурувларнинг эгаси Бўрибой Бойқў...

— Е, тавба, қандай ифвогарлик...

Бошлиқ таътилдан қайтди. Хушвақт Мардоновичдан ҳисобот сўради.

— Жўра Жўраевич, Сизнинг душманларингиз ниҳоятда кўп экан. Бу ифвогарлар қариндош-уруғларингизнинг итларига, сигир-бузоқларига ҳам тинчлик бермас экан-а. Сизга қанчалик қийинлигини шу вақтгача билмаган эканман. Айтдим нега соғлигингизнинг мазаси чатоқ, деб. Афсус, мен қаттиқ адашган эканман. Узр, Жўра Жўраевич, узр.

У нутқини шундай таъсирли сўзлар билан якунлар экан, бошлиқнинг кўзига беихтиёр ёш инди.

— Мен шикоят ва аризаларни битта қўймай назоратдан ўчиришга эришдим. Деярли ҳаммасига муаллифнинг шахси уюштирилган ёки фактлар текшириш натижасида ўз тасдиғини топмади, дея хулоса чиқардим.

Бир ҳафта ўтмай бошқарманинг буйруғи чиқди. Унда шундай дейилган эди: «Фуқаролардан тушган шикоят ҳамда аризаларни қисқа муддатда, асосли ва чуқур текширгани, кўп йиллик бевуқсон хизматлари учун Хушвақт Мардонович Мардонов ойлик маоши миқдорида мукофотлансин».

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА, милиция лейтенанти.

КУЧЛАР ТЎҚНАШУВИ

(НАСРИЙ МАСАЛ)

Тўзон билан басма-басига қулашиб келаётган Қуюн тегажоглик қилмоқчи бўлиб, ўзини чўл ҳокими — Саксовулнинг танасига уриб олди ва гурсиллаб ерга йиқилди. Аламга чидаёлмаган Қуюн айб ўзидан ўтган бўлишига қарамасдан, ерда тупроққа ағнаб гингший бошлади.

— Шошмай тур, — дебди, — сени ҳали онам билан отамга чақиб, бир адабингни берайки, йўлимга тоғ бўлишининг қанақа бўлишини кейин биласан.

— Кўп чийиллайверма, — дебди Саксовул бепарво оҳангда, — ота-онанг ким бўлибдики, менинг адабимни берааркан. Қилғиликни ўзинг қилиб яна нега бунчалик валдирейсан.

— Ота-онамни ҳали танимайсанми, — керибди Қуюн, — билиб қўй, Шамол менинг онам, Бўрон отам бўлади.

Қуюннинг орқасидан югуриб келаётган Тўзон уларнинг гапларига бирпас қулоқ тутиб тургач, воқеани тезроқ Шамол билан Бўронга етказиб, уларга ўз содиқлигини кўрсатиш учун келган томонига қараб югуриб кетди. Бир оздан сўнг воқеадан огоҳ бўлган Шамол ва Бўрон Саксовул сари қутуришиб йўлга чиқиди. Аризмас нарсадан бекордан-бекорга катта жанжал чиқиб, тўс-тўполон бўлишини ва муомалада бироз кўрсатилган бўлсада, аслида Саксовулнинг бу ўринда ҳозир гуноҳсиз эканлигини ҳамда Қуюннинг шармандачилик қи-

либ, Тўзонни икки ўртада чақимчилик қилаётганини кўриб турган булутлар Ёмғирга шошилиш хабар етказишди.

Ёмғир вазиятни юмшатиш ва икки ўртада жанжал чиқармасдан, тинчликни сақлаб қолиш ниятида чунонам шариллатиб қуйиб бердики, бир зумда Шамол, Бўрон, Қуюн ва Тўзонлар ўз жойларида босилишиб, ҳамма ёққа сокинлик чўкди. Ёмғир сувида юзларини ювган жамини ўт-ўланлар, дов-дархатлар эркин нафас олишиб, ўзларида янада гўзаллик касб этишди. Қуёш чарқлаб чиқиб, Ер юзига заррин нурларини соча бошлади.

— Бекор аралашдинг, — деди тўнғиллаб шоҳларида илғиб қолган томчиларни силкитиб туширар экан Саксовул Ёмғирга қараб, — уларга ўзим зўравонлиқнинг қандай бўлишини кўрсатиб қўярдим.

— Мен аралашмаганимда-ку, улар биргалашиб, сени илдизинг билан суғуриб олган бўларди-я, — дебди Ёмғир босиқлик билан. — Эшитмаганимсан, ёлғиз отининг чаңги чиқмас, чаңги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган нақлни. Бунақа бекор-мат бўлмагин. Бидсанг мен фақат сени ўйлаб эмас, сенларнинг касофатларингга бошқаларнинг ҳам тинчи бузилиб, безовта бўлмасин, деб уларни тинчитдим.

Нормамат ТОҒАЕВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Луқмон Ҳакимдан сўради:

Ака яхшими ё дўст?

У жавоб берди:

— Ака, агар дўст бўлса...

Фуше Робеспьерга:

— Мени ўзингга дўст эт, — дейди.

— Йўқ, душманлигингча қолавер, шунда мен учун унча хавфли бўлолмайсан, — деди Робеспьер.

Донишманд шогирдлари-га насиҳат қилиб:

— Ғийбатчи, бахил ва дангасадан ҳазар қилинлар.

Шогирдлар изох сўрадилар. Донишманд жавоб берди:

— Ғийбатчининг дўсти, бахилининг ҳамроҳи бўлмайди, дангасанинг иши беунум бўлади. Бинобарин, бедўст, беҳамроҳ, бебарака ҳаётнинг маънисин бўлмайди.

МИЛИЦИОНЕР ҲАҚИДА

У ҳам юртнинг фуқаросидир. Ватан билан тақдирини ҳам бир. Табибларга менгзайман гоҳо, Хизматига эл бергай баҳо. Юртнинг ташвиш-озори маълум, Ўғри, каззоб, безори... маълум. Юрагига то бор экан ўт, У бетиним кезмагач беҳуд. Эл дардига муштарақ дарди — Дарз кетмасин одамзот қадрни. Худудиди осойишталик — Вужудиди осойишталик. Йўқса, дунё тор туюлар боз, Йўқса, қонун жонсиз бир қоғоз. Сиёсатга ҳеч бефарқ боқмас, Марзи пуч гап тариқча ёқмас. ИЛЛО, у ҳам бир мумтоз одам, Замон билан ҳамнафас, ҳамдам!

Ҳайитмуҳаммад МУМИНОВ, милиция старшинаси.

1991 йил — ЎЗБЕКИСТОНДА НАВОИЙ ИЛИ

ҲИҚМАТЛАР

Боқмас дехқон чаманини туну кун, Нахл тарин онгла қуруғон ўтун.

Дармон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил.

Жаҳл аҳли била кимгани улфат бўлгил, Ул улфати ичра юз минг офат бўлгил.

Илм ўқиб қилмаган амал мақбул, Дона сочиб нўтармади маҳсул.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ, Этар яхшиликдин анга яхшилик.

Кўп демак бирла бўлмагил иодон, Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

Алишер НАВОИЙ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли басмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
ЎзССР